

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**МАВЗУ: “ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИГА МОСЛАШГАН ҒЎЗА
НАВЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УРУҒЛАРИНИ
КЎПАЙТИРИШ”**

Илмий раҳбар:

Нариманов Абдужалил Абдусаматович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
профессор

Талабгор:

Жуманиязов Фарход Кодамович

06.01.05 – “Селекция ва уруғчилик” ихтисослиги бўйича диссертация
химоясиз селекция ютуғи (ихтиро патенти) асосида қишлоқ хўжалиги
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиши юзасидан

ТАҚДИМОТИ

Тошкент – 2020 йил

МУНДАРИЖА

Т/р	Ҳужжатларнинг номи	Бетлари
1.	Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти	3
2.	Мавзунинг хорижий ва республикамиз илмий-тадқиқот институтларида ўрганилганлик даражаси	6
3.	Тадқиқотнинг мақсади	10
4.	Тадқиқот вазифалари	10
5.	Тадқиқот (ихтиро патенти) объекти	11
6.	Тадқиқот услублари	11
7.	Тадқиқот бажарилиши жараёнидаги давлат дастури асосида амалга оширилган лойиҳалар	11
8.	Селекция ютуғи - ихтиро патентининг илмий янгилиги	12
9.	Селекция ютуғи патенти ғўзанинг Ният навининг қисқача тавсифи	13
10.	Ихтиро патентининг фарқлилиги	14
11.	Ихтиро патентининг турдошлилиги	14
12.	Ихтиро патентининг барқарорлилиги	14
13.	Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти	14
14.	Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти	15
15.	Тадқиқотнинг амалий натижалари	16
16.	Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши	20
17.	Хулосалар	21
18.	Тавсиялар	22

1. МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ЗАРУРИЯТИ

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855- сон қарори асосида тижоратлаштирилиши лозим бўлган ишланмалар рўйхатига киритилган янги истиқболли Ният ғўза навининг NAR 00205 патенти асосида бажарилган.

Мамлакатимизда рентабеллиги юқори, рақобатбардош, тола сифати дунё пахта бозори талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш бўйича кенг миқёсда тadbирлар амалга оширилмоқда. Республикаимизда кишлок хўжалигини модернизация қилиш бўйича кенг камровли ислохотлар олиб борилиб, ғўза экин майдонларини кенгайтирмасдан ҳосилдорликни ошириб бориш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Бинобарин, иқлимнинг глобал ўзгариши, ҳар хил касаллик зараркунандаларнинг кўпайиши, тупрок шўрланишининг ортиб бориши, сув етишмовчилигининг тез-тез кузатилиши ва бошқа сабабларга кўра, касаллик ва зараркунандаларга бардошли ҳамда табиатнинг ҳар хил ноқулай омилларга чидамли ғўзанинг янги навларини яратиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда дунёда етиштирилаётган пахта толасини 90 фоизи маданий *G.hirsutum* L.тури ҳиссасига тўғри келади. Ғўза селекциясида муҳим муаммолардан бири серҳосил, тезпишар, юқори тола чиқими ва сифатига эга навларни яратиш ва улардан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда дунёнинг 89 мамлакатада, жумладан Европада 9 та, Осиёда 29 та, Африкада 32 та, Америкада 19 та мамлакатда ғўза экилмоқда¹. Халқаро Пахтачилик консултатив комитетининг (International Cotton Advisory Committee-ICAC) 2015 йил маълумотларига кўра, ташқи бозорларга бир мавсумда пахта толасини етказиб бериш бўйича АҚШ 29%, Ҳиндистон

¹www.FAO.org

16% ва Покистон 10% ни ташкил қилади. Дунё бўйича охириги 10 йил давомида пахта толасига бўлган талаб 15% дан 50% гача ошди². Ҳозирги вақтда, дунёда ғўзанинг хўжалик белгилари бўйича кенг ўзгарувчанлиги ва гетерогенлигига эришиш ҳамда турли дурагайлаш усуллардан кенг фойдаланиб, абиотик ва биотик омилларга бардошли навлар яратиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда рентабеллиги юқори, рақобатбардош, тола сифати дунё пахта бозори талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш бўйича кенг миқёсда тадбирлар амалга оширилмоқда. Селекционер олимларнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижасида ўрта толали ғўзанинг тола чиқими, тола узунлигини ҳамда битта кўсакдаги пахта вазнини оширишга эришилди. Республикамизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бўйича кенг қамровли ислохотлар олиб борилиб, ғўза экин майдонларини кенгайтирмасдан ҳосилдорликни ошириб бориш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналишида белгиланган «...юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш»³ вазифаси билан қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган.

Республиканинг турли тупроқ-иқлим, гидрогеологик ва мелиоратив минтақалари учун яратилган турли ноқулай шароитларга чидамли, қимматли хўжалик белгиларини намоён этадиган, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари юқори, серҳосил навларни танлаш ҳамда парваришланинг мақбул агротехнологияларини тадбиқ этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Экологик нав синовлари натижасида ҳар бир

²www.ICAC.org.hk

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

минтақа учун юқори потенциал хусусиятларга эга бўлган янги ғўза навларини танлаб олиш ва етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш натижасида республикамызда сўнги йилларда юқори сифатли ва мўл пахта ҳосили етиштиришга эришилмоқда.

Республикамызда рентабелли, рақобатбардош, тола сифати дунё пахта толаси талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бинобарин, иқлимнинг глобал ўзгариши, касаллик қўзғатувчисининг янги ирқларини юзага келиши ва зараркунанда ҳашоратлар ғўзанинг ноқулай омилларга чидамли янги навларини яратиши зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожланиши уруғлик сифат кўрсаткичларига бевосита боғлиқдир. Чунки, юқори сифатли уруғлик етиштириш, пахта ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори бўлиши гаровидир. Селекционер олимлар томонидан яратилган ғўза навларининг уруғлик сифатини олдиндан ўрганиш, уни ошириш йўлларини излаб топиш, сўнгра ишлаб чиқаришга жорий этиш, юқори сифатли уруғлик чигит тайёрлашнинг муҳим ва ишончли омили бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда уруғлик чигит сифати ва самарадорлигини оширишнинг турли йўлларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар кўлами унчалик кўп эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 125-сон буйруғи ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

2. МУАММОНИНГ ХОРИЖИЙ ВА РЕСПУБЛИКАМИЗ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИДА ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Вўзани янги яратилган навларини муайян тупроқ-иқлим шароитларига мос ҳолда танлаш ва мақбул етиштириш агротехнологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан,⁴ United States Department of Agriculture (USDA), Texas A&M University (АҚШ), Institute of Cotton Research (ICR, CAAS), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Indian Central Institute for Cotton Research, Indian Agricultural Research Institute (Ҳиндистон), Cotton Research Institute in Multan and Islamabad, Central Cotton Research Institute (Покистон), Cotton Research Institute CRI (Миср Араб Республикаси), Cotton Research and Application Center (Туркия), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Вўза навларини етиштиришда пахта ҳосилдорлиги ва тола сифатини оширишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўрта ва ингичка толали ғўза навлари пахта ҳосилдорлиги ва толасининг микронейр кўрсаткичларига минерал ўғитлар билан озиклантириш ва суғориш меъёрларининг таъсири аниқланган (United States Department of Agriculture (USDA), Texas A&M University); сизот сувлари сатҳи турли чуқурликларда жойлашган минтақалар учун ғўза навларини суғориш тартиби ва сув истеъмоли ишлаб чиқилган (Institute of Cotton Research (ICR, CAAS), Chinese Academy of Agricultural Sciences); чигит экиш муддати ва экиш чуқурлигининг бир текис ниҳол олиш ва ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири аниқланган (Indian Central Institute for Cotton Research, Indian Agricultural Research Institute); турли кўчат

⁴<http://www.usda.gov/>; <http://www.fao.org/home/en/>; <http://www.caas.cn/en/>; <http://www.cicr.org.in/>

калинлигида кўсакларнинг очилиши, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳамда ўсимликнинг шохланишига таъсири аниқланган (Australian Cotton Research Institute, Cotton Research Institute in Multan and Islamabad, Central Cotton Research Institute); турли агротехник тадбирларнинг ғўза навлари барг сатҳи ва куруқ масса тўплашига таъсири аниқланган (Cotton Research Institute CRI, Cotton Research and Application Center) ва бошқалар.

Ғўза селекциясида турли чатиштириш услубларининг самарадорлигини тадқиқ қилиш бўйича дунё олимлари томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Н.В.Нарлан, М.Л.Мартини, Ф.Н.Бриггс, Г.Джонсон, И.Дадли, Р.В.Аллард, В.Гриффинг, В.Д.Найман, С.Н.Кадара, Мак Кеу, С.Бороевич ва бошқа олимлар томонидан селекцияда турли чатиштириш усуллари қўлланилиши натижасида янги бойитилган ўсимлик шакллари ва навлари яратилган. Ҳиндистон шароитида тижорат навларидан ҳосилдорлиги бўйича 10% ва ундан ортиқроқ устун бўлган навлар яратилган (С.Н.Кадара); АҚШда 16 та нав ўртасида ўтказилган чатиштириш асосида ўзида 8 та ота-она зигота плазмасига эга бўлган F_1 дурагайлари яратилган (Н.В.Нарлан and М.Л.Мартини); Ўзбекистонда турли мураккаб дурагайлаш услублари орқали генотиби бойитилган селекцион ашёлар ва навлар яратилган (Ш.Намазов, П.Ибрагимов, Г.Холмуродова, Б.Ўрозов ва бошқ).

Ўрта толали ғўзанинг мураккаб беккросс ва кўш дурагайлаш йўли билан яратилган янги оила ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг барқарорлашувини ўрганиш, таҳлил қилиш мураккаб дурагайлаш усулида яратилган ашёларни генетик-селекцион жараёнларгатадбиқ қилиш бўйича афзалликларини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирга қадар яратилган қатор навлар давлат нав синов тармоқларида кенг ўрганилиб, объектив баҳоланмоқда, андозага нисбатан афзал деб топилганлари ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилмоқда. Аммо, яратилаётган навларнинг айримлари хўжаликларнинг ҳар хил агроэкологик шароитларида узоқ муддат яшай олмай амалиётдан чиқариб юборилмоқда.

Ѓўзанинг турли геном гуруҳига мансуб ёввойи ва маданий турлари асосида турлараро мураккаб дурагайлари яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: United State Agricultural Department (АҚШ), Chinese Academy of Agricultural Sciences, Cotton Research Institute (Хитой), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) ва Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ғўзанинг янги хусусиятларга эга навларини яратишда, турли геномларга мансуб ғўзанинг ёввойи ва ярим ёввойи шакл ва турлари иштирокида олинган турлараро дурагайлари амалий селекцияда муҳим бошланғич манъбалардан эканлиги кўпчиликка маълум. Шу боис, ғўза коллекциясидаги мавжуд ёввойи ва ярим ёввойи шакл ва турларни турлараро дурагайлашга жалб этиш асосида ғўзанинг янги генотипларни яратиш борасида хорижлик олимлар Kammacher P., Polsson C.⁵; Wendel, J.F., R.C. Cronn⁶; Endrizii I.E. et al.⁷, шу билан бирга республикамиз олимлари Арутюнова Л.Г ва бошқ.⁸; Муратов А. Содиқов Ҳ.Р.⁹; Намозов Ш.Э., Бобоев С.Ғ.¹⁰ лар назарий ва амалий тадқиқотларни амалга оширган. Бу борада катта ютуқларга эришилишига қарамасдан, улар амалий селекцияда жуда ҳам кам

⁵Kammacher P., Polsson C. Surla conjugation chromosome guesa'un Gossypium tetraploide synthetique // C. R. Acad. So. Paris, 1966. -V. 262, -№ 16. - P. 1718-1720

⁶Wendel, J.F., and R.C. Cronn. Polyploidy and the evolutionary history of cotton. Adv. Agron. 78. 2003. –P.139-186.

⁷Endrizii I.E., Turkotte E.L., Kohel R.I. Genetics, cytology and Evolution of Gossypium // Advances in genetics, 1985.-V.23.- P. 271-365.

⁸Арутюнова Л.Г. Межвидовая гибридизация в роде Gossypium L. Вопросы генетики, селекции и семеноводства хлопчатника.-Ташкент, 1960. –67-70 с.; Арутюнова Л.Г. Пулатов М. Межвидовая гибридизация-источник создания исходного материала для селекции и пополнения генофонда хлопчатника //Генетика, селекция и семеноводство хлопчатника и люцерны. Ташкент, 1989. -С. 43-50.

⁹Муратова А., Содиқов Ҳ.Р. Ѓўзанинг турлараро дурагайларида хромосомалар сони ўзгаришининг чаги шувчанлик билан боғлиқлиги // Пахтачилик ва Дончилик журнали. -Тошкент, 1999. - № 4. – Б. 26-27.

¹⁰Намозов Ш.Э., Бабаев С.Ғ. Эффективность сложной межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника.- Ташкент: “Nison-Noshir”, 2014.- 56-179 с. 7

қўлланилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири – ғўзанинг ёввойи ва ярим ёввойи шакллари маданий навлар билан қийин чатишиши ва кўпинча F_1 авлодларида пуштсиз авлодлар ҳосил қилишини қайд этиш лозим. Шуни назарда тутиб, ғўзанинг мураккаб турлараро дурагайларини олиш юзасидаги тадқиқот ишлари, асосан, цитологик ва цитогенетик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Бу ўринда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимларидан томонидан олиб борилган ғўзанинг янги генотибли турлараро дурагайларини олиш, уларда цитологик ва цитогенетик таҳлиллар ўтказиш, дурагай ўсимлик авлодларида морфо-хўжалик белгиларни шаклланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Республикамизда Мақсудов З.Ю., Мираҳмедов С.М., Автономов В.А., Қаҳҳоров И.Т. ва бошқаларкўп йиллик изланишлари натижасида, янги навларнинг яратилишида туричи географик узоқ шакллари дурагайлаш усулининг истиқболлари бўйича муҳим маълумотлар олганлар.

Ўрта толали ғўза навлари таркибини ўрганиб, навлар ва турларни дурагайлаш ва танлаш усуллари қўллаб С.М.Мираҳмедов қатор Тошкент, Жалилов О.Ж. - Юлдуз, Меҳнат, Автономов Вад.А. - С-6524, Наманган-77, Баталов А. - Бухоро-6, С.С.Содиқов – АН-Баёвут-2, Ш.Намозов – Султон, Болгарияда М.Божинов тезпишар бир қатор Болгария навлари (Чирпан, 146 ва бошқ.)ни яратишган.

Ўза генетикаси ва селекциясининг назарий ҳамда амалий томонларини таҳлил қилишда навлараро дурагайлаш усулларида С.С.Содиқов (1972), В.П. Сеноедов (1972), Ибрагимов Ш.И. (1986), Жалилов О.Ж. (1993, 1997), А. Эгамбердиев (1993, 1994), Автономов В.А. (2010, 2012), Ш.Намозов (2014, 2017), И.Т.Қаҳҳоров (19990, 1996, 2000, 20015, 2018), Dhillon M.(1991,1993) ва бошқалар кенг фойдаланишган. Ўза ўсимлигининг генетик-селекцион имкониятларини аниқлашган.

Олиб борилган изланишлар асосида улар томонидан кўпгина бошланғич шаклларнинг донорлик хусусиятлари, генотипининг сифатий таркиби ва белгиларнинг мослашувчанлик кўламии ёритилган.

3. ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

Ѓўзанинг *G.hirsutum* L. туричи шаклларини жуфт дурагайлаш услуби билан ажратиб олинган популяцияларда олиб борилган мақсадли қайта-қайта танлаш йўли орқали яратилган Л-171-К тизмаси морфоҳўжалик белгилари кўрсаткичларининг авлодларда шаклланиши, барқарорлашуви ҳамда сақланиши жараёнларини ўрганиш ва шу тизма асосида янги нав даражасига етказилган истиқболли Ният навини Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчанлигини ўрганиш, сара уруғлик чигитини етиштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

4. ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИ

- Ѓўзанинг *G.hirsutum* L. туричи шаклларинининг морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичларини ўрганиш, баҳолаш ва танлаш асосида тола чиқими ҳамда сифати юқори бўлган селекцион ашёларни яратиш;

- Жуфт дурагайлаш усулларини қўллаш орқали яратилган F_1 дурагайларида асосий морфо-хўжалик белгиларининг доминантлик кўрсаткичини аниқлаш ҳамда F_2 - F_3 дурагайларида уларнинг ирсийланиш даражасига баҳо бериш;

- *G.hirsutum* L. туричи шаклларини дурагайлаш орқали хўжалик учун қимматли белгилари кўрсаткичлари юқори бўлган истиқболли тизмани яратиш ва уни нав даражасига етказиш;

- Ѓўзанинг янги яратилган Ният навига патент олиш;

- Янги яратилган ғўзанинг Ният навини Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида экилиб парваришланганида ҳосилдорлик кўрсаткичларининг намоён бўлиши жараёнларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- Ният навини Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитига жорий этиш.

5. ТАДҚИҚОТ (ИХТИРО ПАТЕНТИ) ОБЪЕКТИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академиясида ғўзанинг *G. hirsutum L.* турига мансуб районлаштирилган АН–510 ва Қирғиз – 3 навларини дурагайлашдан олинган Л-171-К тизмаси асосида узоқ йиллар давомида мақсадли қайта-қайта танлаш усулини қўллаш орқали яратилган ғўзанинг Ният навнинг уруғлик чигити ва ўсимликларидан фойдаланилган.

6. ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ

Тадқиқотларни олиб боришда селекциянинг дурагайлаш, генетиканинг популяцион таҳлил услубларидан ва бошқа тегишли услубий қўлланмалардан фойдаланилди. Тола сифат кўрсаткичлари ЎзР ВМ хузуридаги «Сифат» Марказида замонавий NVI қурилмасида аниқланган. Барча математик ва статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов услублари асосида амалга оширилган.

7. ТАДҚИҚОТНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЖАРАЁНИДАГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАР

Бажарилаётган илмий-тадқиқот иши фундаментал лойиҳалар бўйича устувор йўналиш Ф-5. “Биология, биотехнология, тупроқшунослик, сув муаммолари, генетика масалалари ҳамда ўсимлик ва ҳайвонлар селекцияси” ҳамда амалий лойиҳалар бўйича ИТД-7 “Табиатдан оқилона фойдаланиш ва экология” ҳамда ИТД-9 “Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг юқори самарадор, экологик соф технологияларини яратиш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги экинларини касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш усуллариининг самарадорлигини ошириш” йўналишларига мос келади.

Илмий тадқиқот мавзуси қуйидаги лойиҳаларда ўз аксини топган:

Хоразм Маъмун академиясида 2012-2014 йилларда бажарилган А8-ФА-0-28959 шифрли “Ўза янги навини уруғини кўпайтириш ва тизмаларидан

эртапишар, серҳосил IV тип сифатли тола берадиган, экстремал шароитларга бардошлисини танлаш ва уни рақобат синовидан ўтказиб, Давлат нав синовига топширишга тайёрлаш” мавзусидаги давлат амалий лойиҳасида;

Хоразм Маъмун академиясида 2015-2017 йилларда бажарилган ФА-А9-Т101 шифрли “Хоразм вилояти Хива тумани шароитида қимматли хўжалик белгиларига кўра ушбу ҳудудга мослашувчи, рақобатбардош ғўза навларини яратиш мақсадида селекция уруғчилик ишларини олиб бориш” мавзусидаги давлат амалий лойиҳасида бажарилган.

Тадқиқотлар натижасида ғўзанинг янги Ният нави Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори рўйхатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 125-сон буйруғига асосан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича истиқболли нав деб топилди.

Тадқиқотлар давомида ғўзанинг янги ғўза навига хос хўжалик аҳамиятига эга белгиларнинг кўрсаткичларини сақлаган ҳолда наводорлиги юқори бўлган супер элита ва элита уруғлик чигити етиштирилди ҳамда Хоразм вилоятига жорий этилди.

8. СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИ-ИХТИРО ПАТЕНТИНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ

- Ғўзанинг Л-171-К тизмаси асосида Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитига мос, толасининг сифати ҳамда чиқими юқори бўлган янги Ният нави яратилган.

- Мақсадли олиб борилган селекцион уруғчилик ишлари натижасида ғўзанинг янги Ният нави популяцияси фенотипик текисланган, уруғлик чигити сифат кўрсаткичлари - O'z DSt 633:2006; морфоҳўжалик белгилари софлиги -

О'zDSt 1110:2006 ва толасининг сифат кўрсаткичлари - О'zDSt 604:2001 талабларига жавоб бера оладиган даражага келтирилган.

- Ғўзанинг истиқболли Ният навидан келгусида Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитига мос, толасининг сифати ҳамда чиқими юқори бўлган янги тизма ва навларни яратиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларда бошланғич ашёлар сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

9. СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИ ПАТЕНТИ ҒЎЗАНИНГ НИЯТ НАВИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ

Ўсимлик бўйи 110-125 см, яшил ўртача тукланган. Ўсув шохлари 0-1 га. Ҳосил шохи 1,0-1,5 типга мансуб бўлиб, биринчи ҳосил шохи 5-6 бўғинда жойлашади. Пояси йўғон, ётип қолмайди. Барглари ўртача катталиқда, кучсиз тукланган, яшил рангда. Гули оқ сарғиш рангда булиб, гул чангчилари оқ сарғиш, кўсақлар вазни 5,8-6,5 г, ўртача овалсимон шаклда, учсиз, яшил рангда, 4-5 чаноқли, етилганда эркин очилади, чигити ўртача катталиқда тухумсимон, ўртача тукли, кулранг; пахтаси тўкилиб кетмайди.

Толаси оқ рангда бўлиб, тола чиқими 38-40%, тола узунлиги 34,5-35,0 мм, тола пишиқлиги 4,4 г.с., тола майинлиги 6100-6400 мн, толани узулиш узунлиги 33,6 г.с/текс, микронейри 4,5 толанинг ўртача дюйм узунлиги 1,20 га тенг. Чигити ўртача катталиқда, овалсимон шаклда, 1000 дона вазни 117-124 г. Микронейр – 4,4 мис.

Ният навининг устунлиги ва иқтисодий самарадорлиги. Хоразм вилоятининг экстремал (шўрланган тупроқ, минерализацияга учраган ер ости сувлари, сув танқислиги, ўта юқори ҳаво ҳарорати) шароитларига мослашган. Мазкур нав IV -типга эга бўлиб, саноатбоплиги билан жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради. Тупи ихчам, шунинг учун қўшқатор усулда экиш яхши самара беради.

Ният навининг ҳосилдорлиги назорат навга нисбатан 3 - 3.5 ц/га юқори, тола сифати яхши.

10. ИХТИРО ПАТЕНТИНИНГ ФАРҚЛИЛИГИ

Истикболли Ният нави андоза навларга нисбатан ҳосилдорлиги (38,2-40,0 ц/га) юқорилиги, толасининг штапель узунлиги (34,5-35, мм), микронейрининг майинлиги (4,3-4,5), толаси чиқимининг андоза ва бошқа навларга нисбатан юқорилиги (38-40 %), толасининг IV типга мансублиги билан ажралиб туради.

11. ИХТИРО ПАТЕНТИНИНГ ТУРДОШЛИЛИГИ

Ғўзанинг янги Ният навининг уруғлик чигити уруғчилик ишлари натижасида кўпайтирилганда популяция ўсимликлари морфоҳўжалик белгилари, ҳосилдорлик ва толасининг сифати кўрсаткичлари бўйича ўзига хослигини сақлаб қолади.

12. ИХТИРО ПАТЕНТИНИНГ БАРҚАРОРЛИЛИГИ

Ғўзанинг янги, истикболли Ният навининг уруғлари уруғчиликда қабул қилинган услублар асосида қайта кўпайтирилганда ҳам хўжалик учун аҳамиятли бўлган асосий белгилари кўрсаткичларини кейинги авлодларида ўзгартирмасдан барқарор сақлаб қолади.

13. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ИЛМІЙ АҲАМИЯТИ

- Тур ичида жуфт чатиштириш услуги орқали яратилган дурагайларни ўрганиш асосида ажратиб олинган Л-171-К тизмасида морфоҳўжалик белгилари ва уларнинг муҳим кўрсаткичларини шаклланиши, наслдан-наслга ўтиши, ўзгарувчанлиги, ирсийланиш даражаси, фенотипик намоён бўлиши жараёнлари ўрганилган.

- Жуфт дурагайлаш ва кўп бора танлаш асосида қимматли хўжалик белгилари ва тола узунлиги юқори, ҳосилдор ҳамда Хоразм вилоятининг ноқулай тупроқ-иқлим шароитларига мос ғўзанинг янги Ният нави яратилган,

шунингдек тўпланган маълумотлар асосида чоп этилган мақола ва тезислар билан илмий асосланган.

14. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

- Олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида ғўзанинг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари юқори, андоза Хоразм-127 навига нисбатан 2-3 кунга тезпишар, ҳосилдор, тола сифати IV типга мансуб бўлган, толаси чиқими юқори (38-40 %) Ният навини экиш орқали гектаридан 38,2-40,0 центнергача пахта ҳосили етиштирилиши аниқланган (Урганч тумани “Фаррух” фермер хўжалиги, 2016-2019 йиллар);

- Ғўзанинг Ният нави Хоразм вилояти Урганч ва Хива туманларининг кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг суғориладиган майдонларида экилиб, парваришланиб келинмоқда. Жорий 2019 йилда ушбу навадан андоза навларга нисбатан гектаридан ўртача 3-3,5 центнер атрофида юқори ҳосил олиниб, фермерлар учун иқтисодий самарадорлик гектаридан ўрта ҳисобда 1410 минг (бир миллион тўрт юз ўн минг) сўм қўшимча даромад олишга эришилган.

- Ният навини жорий этилиши, ғўзанинг янги навларига хос бўлган морфологик ва қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичларини сақлаган ҳолда, наводорлиги юқори бўлган уруғлик чигитини етиштириш, тола сифати IV–типга мансуб, тола чиқими 40% дан юқори кўрасткичларда акс этадиган ўрта толали ғўза навларини яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш каби муаммоларнинг ечимида муҳим аҳамиятга эга.

Бажарилган тадқиқот ишлари бўйича қийидагича натижаларга эришилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан Хоразм Маъмун академияси олимлари томонидан яратилган ғўзанинг янги, истиқболли “Ният” нави тижоратлаштириш рўйхатига киритилди.

2. Патент олиш бўйича тегишли ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси “Ният” нави бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига якуний хулосани тақдим қилди. Натижада “Ният” навиға Интеллектуал мулк агентлигининг Патенти олинди. Патент рақами: № NAP 00205. Рўйхатга олинган санаси: 30.11.2018 йил.

3. 2018 йил декабрь ойида ўтказиладиган Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг янги навларни истиқболли навлар каторига ва Давлат реестрига киритиш юзасидан ўтказиладиган йиғилиш олдидан “Ният” нави бўйича Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Уруғчиликни ривожлантириш маркази ДК Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Маркази Хоразм бўлиmidан қўллаб-қувватлаш хатлари олинди ва тақдим қилинди.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг 2018 йил 29 декабрдаги 125-сон буйруғи билан Хоразм Маъмун академиясида яратилган “Ўзанинг” “Ният” нави Хоразм вилоятига истиқболли деб топилди.

15. ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРИ

Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига қарашли нав синаш станция ва участкаларида синалган ўзанинг янги “Ният” навининг 2016-

2018 йиллардаги

КАРТОТЕКАСИ

1-жадвал

№	Нав синаш участкалари	Синаш йиллари	Хосилдорлик ц/га		Ўсув даври, кун	Бир дона кўсакдаги пахта	Тола чиқиши %
			пахта	тола			

						вазни, гр	
1	2	3	4	5	6	7	9
Ният							
1	Чимбой	2017-2018	38,0	13,8	122	5,8	36,6
	<i>ст Чимбой-5018</i>		-3,2	-0,8	9	0,2	1,1
2	Хўжайли	2017-2018	26,5	9,8	126	5,2	37,0
	<i>ст Чимбой-5018</i>		-0,4	0,4	1	-0,3	2,0
3	Эликкалга	2016-2018	37,5	13,6	118	5,1	36,3
	<i>ст Чимбой-5018</i>		1,8	1,1	3	-0,2	0,8
4	Кўрғонтепа	2017	39,5	15,0	111	5,6	38,0
	<i>ст С-6524</i>		3,0	2,3	0	0,4	3,2
		2018	37,0	12,7	121	5,3	34,2
	<i>ст Андижон-35</i>		-3,5	-1,4	2	0,3	-0,4
5	Қорақўл	2016-2018	34,6	12,6	111	5,4	36,5
	<i>ст Бухоро-б</i>		-7,3	-1,9	-2	-1,3	1,8
6	Жиззах	2016-2018	32,8	11,8	111	4,9	36,1
	<i>ст С-6524</i>		2,1	1,6	2	0,3	2,6
7	Пахтакор	2017-2018	44,0	15,4	114	6,0	35,0
	<i>ст С-6524</i>		1,0	0,7	2	0,3	0,9
8	Миришкор	2016-2018	30,5	11,0	123	4,8	36,1
	<i>ст Бухоро-б</i>		-6,3	-1,5	-2	-1,2	1,9
9	Шахрисабз	2016-2018	38,9	14,4	115	5,5	37,2
	<i>ст Бухоро-б</i>		-2,0	0,4	-1	-0,4	2,8
10	Хатирчи	2016-2018	34,7	12,4	118	5,1	35,7
	<i>ст Бухоро-б</i>		-2,9	-0,3	-3	-0,8	2,1
11	Мингбулоқ	2016-2018	34,9	12,3	120	5,0	35,2
	<i>ст С-6524</i>		-2,2	-0,3	0	0,0	1,3
12	Боёвут	2016	32,5	12,0	123	5,0	37,0
	<i>ст С-6524</i>		-1,0	0,3	4	0,0	2,0
		2017-2018	28,5	10,1	113	5,0	35,7
	<i>ст Султон</i>		-3,5	-0,7	1	-0,3	1,7
13	Оқолтин	2016, 2018	30,6	11,5	130	5,4	37,6
	<i>ст С-6524</i>		-1,4	0,4	2	0,4	2,8
14	Денов	2016-2018	24,3	8,6	119	5,2	35,5
	<i>ст Бухоро-102</i>		-3,7	-0,9	0	-0,2	1,5
15	Шеробод	2017-2018	32,1	11,3	123	4,6	35,4

	<i>ст Бухоро-6</i>		-5,5	-1,3	3	-1,2	1,7
16	Чинос	2016-2018	30,9	11,5	120	5,1	37,2
	<i>ст С-6524</i>		-2,9	-0,5	1	-0,2	1,5
17	Пискент	2016-2018	30,8	11,3	125	5,5	36,8
	<i>ст С-6524</i>		-5,3	-1,4	-1	-0,2	1,6
18	Кўштепа	2016, 2018	34,4	12,4	126	4,9	36,2
	<i>ст С-6524</i>		-3,3	-0,5	-2	0,3	2,0
		2017	36,4	12,8	126	4,3	35,2
	<i>ст Андижон-35</i>		0,3	0,9	2	0,0	2,1
19	Бешариқ	2016-2018	36,6	13,1		5,7	35,7
	<i>ст С-6524</i>		0,2	0,4		0,5	0,9
20	Боғдод	2016-2018	37,1	13,2	123	4,3	35,6
	<i>ст С-6524</i>		-1,7	-0,1	4	0,4	1,3
21	Фарғона	2017-2018	34,5	12,6	122	5,7	36,4
	<i>ст С-6524</i>		-3,4	-0,7	0	0,2	1,6
22	Хива	2016-2018	32,3	9,4	130	5,2	33,0
	<i>ст Хоразм-127</i>		1,6	0,9	-1	0,7	1,9
23	Гурлан	2016-2018	31,0	10,8	122	5,1	37,2
	<i>ст Хоразм-127</i>		5,0	1,0	-1	1,0	2,4

Ѓўзанинг Ният навининг амалиётга жорий этилиши жараёнлари:

Ният нави 2015 йилда Давлат нав синаш Марказининг тупрок назоратидан, 2016-2018 йилларда эса ҳудудлардаги шохобчаларида синовлардан ўтиб, Қишлоқ хўжалиги Вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 125 сон буйруғи билан Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига истиқболли деб топилди ва экишга тавсия этилди.

2019 йилда Хоразм вилояти Урганч туманидаги “Фаррух” фермер хўжалигида 120.3 гектар ва бошқа хўжаликларда 83.7 гектар жами 204 гектар майдонга экилган. “Фаррух” фермер хўжалигида парваришланган ғўзанинг Ният навидан 182.7 тонна уруғлик пахта ҳосили териб олинди ва ушбу ҳосилдан чиқадиган уруғлик чигитларни мазкур туманда 1400 гектар майдонга экиш режалаштирилган.

2-жадвал

Хоразм вилояти Урганч туманида 2019 йил пахта ҳосили учун “Ният” гўза навини жойлаштириш режаси

№	Фермер хўжалик номи	Худуд	Экиш режаси, га	Шу жумладан элита, га
1	Ҳамробек Раззоқберган	Ж. Мангуберди	5,5	-
2	Жавохир	Қорамон	9,2	-
3	Фаррух	С. Қаландаров	120,3	66,0
4	Ганжа аравали	Оқ олтин	10,0	-
5	Умид	Оқ олтин	5,0	-
6	Қаландар Умирбек	Пахтакор	4,0	-
7	Хусинбой Карим Боғи	Пахтакор	5,0	-
8	Рашидбек Уморжон	Пахтакор	5,0	-
9	Қаландар Шукржон	Юқорибоғ-Урганч	5,0	-
10	Жуманазар Бойназар	Юқорибоғ- Урганч	5,0	-
11	Тинчлик Урганч	Юқорибоғ-Урганч	5,0	-
12	Турабек	Ғалаба	10,0	-
13	Чоткўпир Миришкор	Чоткўпир	5,0	-
14	Чоткўпир Агро	Чоткўпир	5,0	-
15	Комилжон Машариббой	Чоткўпир	5,0	-
	Жами		204,0	66,0

3-жадвал маълумотларига кўра, Ният навининг бир кўсақдаги пахта вази 2016 йилда 6,2 гр, 2017 йилда 6,5 гр ва 2018 йилда 6,3 гр да акс этган. Маълум бўлишича, 2016 йилга нисбатан 2018 йилларда ушбу белгининг ўртача кўрсаткичлари 0,3 гр атрофида тебраниб турган.

Тола чиқими бўйича уч йиллик маълумотлар ўртача 39,3 % да намоен бўлган. Ўрганилган йиллар давомида бу белги кўрсаткичлари 40,0 ва 39,3 % атрофида тебраниб турган. Демак, ушбу белги кўрсаткичлари бўйича навнинг генотипда турғунликнинг сақланаётганини билдиради.

Тола узунлиги белгиси кўрсаткичларининг 34.8 ва 34.92 мм атрофида тебраниб тургани мазкур белги кўрсаткичлари бўйича ҳам популяцияда кескин ўзгаришлар кузатилмаганлигини турғунликка эришилганлигини билдиради.

Гўзанинг янги истиқболли Ният навининг қимматли хўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичлари, 2016 - 2018 йй.

Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал базаси

3-жадвал

		Хўжалик белгилари
--	--	-------------------

Т/р	Йиллар	Бир кўсакдаги пахта вазни гр			Тола чикими %			Тола узунлиги мм		
		X ± m	σ	v	X ± m	σ	v	X ± m	σ	V
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
2	2016	6,2±0,13	0.89	14.61	40.0±0.41	2.73	7.08	34.27±0.17	1,11	3,23
3	2017	6,5±0,09	0.62	11.84	38.8±0.67	4.47	11.85	34,8±0,14	0,92	2,65
4	2018	6,3±0,12	0.7	11.42	39.3±0.62	2.8	8.01	34,92±0,11	0,75	2,14
5	Ўрта ча	6,33±0,11	0.73	12.62	39.3±0.56	3.33	8.28	34,66±0,14	0,92	2,67

Ният навини жорий этишдан олинадиган самарадорлик.

- 2019 йилда ушбу ғўза навини жорий этишдан ҳар бир гектардан ҳосилдорликни ўртача 3 ц/га ошириш орқали 1.410.000 (бир миллион тўрт юз ўн минг) сўмдан қўшимча даромад олинди.

- 2020 йилда мазкур ғўза навини 1400 гектар майдонга экилганида 1 йилда 1.974.000.000 (бир миллиард тўққиз юз етмиш тўрт миллион) сўм қўшимча даромад олинар экан.

16. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ.

Ғўзанинг ишлаб чиқариш талабларига мос бўлган янги Ният нави Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига тақдим этилган ва муваффақиятли ўтган.

Изланишларнинг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги, оилалар яратилишида қўлланилган дурагайлаш усуллари ва дала тажрибаларини замонавий ва классик усулларга мослиги, олинган натижаларни назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, экспериментал маълумотларни статистик усуллар билан қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий

тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосаларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола чоп қилинган.

17. ХУЛОСАЛАР

1. Ғўзанинг *G.hirsutum* L. туричи навларини дурагайлаш асосида тола сифати ва чиқими юқори, тезпишар ва ҳосилдор тизмалар ажратиб олиши мумкинлиги аниқланган.

2. Ғўзанинг Ният нави *G.hirsutum* L. туричи дурагайлари асосида кўп йиллик мақсадли танлаш усули билан илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилиши натижасида олинганлиги ва андоза навлардан унинг келиб чиқиши, серҳосиллиги, тола чиқими ва сифати юқори эканлиги билан фарқланиши бир неча авлодлар давомида ўрганилган.

3. Ғўзанинг Ният навининг пояси ихчам кўринишга эга бўлиб, Хоразм вилоятининг турли тупроқ-иқлим шароитларида қўшқатор усулда экилганида яхши самара бериши амалий жиҳатдан аниқланган.

4. Ғўзанинг Ният навидан келгусида Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитларига мос келадиган ва қўшқатор экишга қулай бўлган ғўзанинг янги тизма ҳамда навларини яратиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларда бошланғич ашёлар сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

17. ТАВСИЯЛАР

1. Ғўзанинг ишлаб чиқариш ва саноат талабларига мос янги навларини яратиш учун селекция ишларида Ният навидан бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

2. Амалга оширилган синов натижаларига кўра, ғўзанинг Ният нави ўсимликлари серҳосил, тола чиқими ва сифати юқори ҳамда ихчам тузилиш хусусиятига кўра, кўшқатор усулда экишга тавсия этилади.

3. Ғўзанинг Ният нави толани қайта ишлаш саноати тизими учун энг даромадли навлардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, сўнги йилларда Республикамизда жорий этилаётган Кластер корхоналарининг кенг майдонларида экиш тавсия этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
АГЕНТЛИГИ

100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кучаси, 59
Тел.: (998 71) 232-50-50 факс: (998 71) 232-50-05
www.ima.uz; эл. почта: info@ima.uz, aip@exat.uz



AGENCY
ON INTELLECTUAL
PROPERTY
UNDER THE MINISTRY OF JUSTICE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100000, Tashkent city, Mustakillik avenue, 59
Tel.: (998 71) 232-50-50 fax: (998 71) 232-50-05
www.ima.uz; e-mail: info@ima.uz, aip@exat.uz

27.08.2019

№ 03-11/2592

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Хоразм Маъмун
академияси раиси И.И.Абдуллаевга
220900, Хоразм вил., Хива шаҳри, Марказ 1.

Интеллектуал мулк агентлиги 2019 йил 26 декабрдаги 244/1-19-сон
хатингиз бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

NAP 00205 рақами билан 2018 йил 30 ноябрда гўзанинг “Ният” навига
(муаллифлар: Д.А.Аккужин, Ш.Ю.Кадиров, И.И.Абдуллаев,
Ф.Қ.Жуманиязов, У.К.Абдурахимов, Р.Б.Машарипова, Б.А.Урунов)
Ўзбекистон Республикасининг селекция ютуғига патенти рўйхатдан
ўтказилди.

Патент тўғрисидаги маълумотлар агентликнинг 2018 йил 12-сон расмий
ахборотномасида эълон қилинган.

Директор ўринбосари

Б. Сагдуллаев

Бажарди: А.Ахмедова
Тел: 71-232-50-29

Гўзанинг Ният навига олинган патентга берилган хулоса

O'SIMLIKLAR NAVIGA
PATENT
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI
АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

O'SIMLIK NAVIGA PATENT № NAP 00205
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

Ushbu patent O'zbekiston Respublikasining
"Selektsiya yutuqlari to'g'risida"gi Qonuniga asosan
quyidagi o'simlik naviga berildi:

Настоящий патент выдан на основании Закона
Республики Узбекистан «О селекционных
достижениях», на следующий сорт растения:

«Ният» гўза нави
Сорт хлопчатника «Ният»

Talabnoma kelib tushgan sana:
Дата поступления заявки:

23.06.2017

Talabnoma raqami:
Номер заявки:

NAP 2017 0013

Ustavorlik sanasi:
Дата присмотра:

23.06.2017

Patent egasi (egalari):
Патентообладатель(и):

Хоразм Маъмуи академияси, UZ
Хорезмская академия Маъмуна, UZ

O'simlik navi muallifi(lar)i:
Автор(ы) сорта растения:

Алужин Дамир Анварович, Кадиров Шавкат Юлдашевич,
Абдуллаев Икрам Искандарович, Жуманиязов Фарход Қадамович,
Абдурахимов Уморбек Курбанбаевич, Машарипова Рохила
Бахромовна, Урунов Ботирбой Ахмедович, UZ

Patent O'zbekiston Respublikasining barcha hududida 30.11.2018 yilga
patentni kuchida saqlab turish uchun bir o'z vaqtda to'langandagina 20 yil
mavjudda amal etadi.

O'zbekiston Respublikasi a'loilik davlati to'stida 20.11.2018 y.lda
Tashkent shahrida nuzxatdan o'tkazilgan.

Patent davlatiyun: na vsoy territoriyi Respublikasi Uzbekistan v tachenye 20
let s 30.11.2018 g. pri usloviy bezvremennoy uplaty poshliny za
podderzhanie v deystviy.

Zaregistrirovann: v gosudarstvennom registre sortov rasteniy Respublik
Uzbekistan, v g. Tashkente, 30.11.2018 g.

Bosh direktor
Генерального директора


А. Файзуллоев



INTELLEKTUAL
MULK AGENTLIGI

Гўзанинг Ният навига олинган патент



Ѓўзанинг “Ният” нави



Вўзанинг “Ният” нави ҳосил элементлари



Вўзанинг “Ният” нави муаллиф ва мутахассислар кузатувида



“INNOWEEK – 2018”



“INNOWEEK – 2019”



СП ООО «UZTEX SHOVOT»
с. Чигатайкальа, Шаватский район,
Хорезмская область, Республика Узбекистан
Тел: 8(362)345-51-55 Факс: 8(362) 345-21-77
E-mail: uztex.shovot@uztex.uz

№ 276
2018 йил 17 октябр

**Хоразм Маъмун академияси
раиси б.ф.д. И.И.Абдуллаевга**

Сизнинг №114/2-18-сонли 16.10.2018 йилдаги академия олимлари томонидан яратилган ўзанинг янги “Ният” нави толасининг сифат кўрсаткичлари бўйича комплекс таҳлил қилиб беришни сўраб ёзган хатингизга жавобан шуни маълум қиламизки, мазкур нави корхона лабораториясида ўрганилганда “Ният” нави истиқболли нав сифатида тавсия қилинади.

Олинган натижалар илова қилинади.

«UZTEX SHOVOT» МЧЖ шаклидаги
қўшма корхонаси бош директори:



Хайтбаев Р.С.

“UzTEX Shovot” МЧЖ хулосаси